




МУСИБАТЛАР

ИЧРА УМИД

Жойс Майер



МУСИБАТЛАР ИЧРА УМИД

Жойс Майер

Hope for Difficult Times, Joyce Meyer, Uzbek

© 2023 Joyce Meyer Ministries

All rights reserved. This book or any portion thereof may not be reproduced or used in any amount whatsoever without the express written permission of the publisher except for the use of brief quotations in a book review.

Joyce Meyer Ministries P.O. Box 655
Fenton, Missouri 63026 joycemeyer.org

Мусибатлар ичра умид, Жойс Майер, Ўзбек

© 2023, Жойс Майер

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Нашриётнинг ёзма розилигисиз ушбу китобдан ва ундаги ҳар қандай парчадан нусха олиш ва/ёки фойдаланиш тақиқланади, шарҳлардаги қисқа иқтибослар бундан мустасно.

Мундарижа

Муқаддима	5
1-БОБ. Умидга тўлганлар	9
2-БОБ. Агар боши берк йўлга кириб қолсангиз, нима қилиш керак?	17
3-БОБ. Ижобий муносабатни танланг	25
4-БОБ. Турмуш бўронлари ичра Худога ишонинг	31
5-БОБ. “Мана, ҳамма нарсани янгидан яратаман”	39
6-БОБ. Жонингиз азоб чекаётганда, юқорига қаранг	47
Хотима. Оғир кунларни бошдан ўтказмоқдамисиз?	55

Муқаддима

Бу китобни ўқиб чиқишга қарор қилганингиздан ниҳоятда хурсандман. Эҳтимол, сиз ҳозир ҳаёт қийинчиликларидан азоб чекаётган ёки уларга бардош беришга жон-жаҳдингиз билан ҳаракат қилаётгандирсиз. Менга сизнинг ҳаётингизда аниқ нима содир бўлаётгани номаълум, лекин бир нарсани аниқ биламан:

Сиз ёлғиз эмассиз. Худо сизни севади ва биз ҳам сизни севамиз!

Мен бу китобни сизни руҳлантириш ва юрагингизни умид билан тўлдириш учун ёздим. Шунини билишингизни истайманки, ҳозирнинг ўзида, бошингиздан кечираётган барча қийинчиликларга қарамай, Худо сиз томонда ва У учун ҳеч қандай имконсиз нарса йўқ (Луқо 1:37 га қаранг). У сиз учун ажойиб келажак тайёрлаб қўйган ва сизга ёрдам бериш учун ҳозирнинг ўзида барча зарур ишни қилипти (Йермияҳ 29:11 га қаранг).

Эҳтимол, ҳаётингизда фожеа содир бўлиб,

умидсизликка тушиб қолгандирсиз ва қай тарзда, яна ўзингизни қўлга олиб, олға юришни давом эттиришни билмасиз. Ёки соғлиғингиз билан боғлиқ муаммоларингиз бўлиб, шифокор кўригидан ўтиш имконияти йўқдир. Мен яхши биламан, дунёда кўпчилик одамлар рўзгорини зўрға тебратадилар ва эртага егулик топа олишига ҳар доим ҳам ишончи комил бўлмайдилар.

Биз жиддий қийинчиликларга дуч келиб, кўпинча руҳан тушкунликка тушамиз ва таслим бўлиш истагини ҳис қиламиз. Лекин бундай вазиятларда биз қила оладиган энг яхши нарса – бу Худога ишониш ва умидни йўқотмасликдир. Умид ўзи нима? Умид – бу исталган дақиқада биз билан қандайдир яхши нарса содир бўлиши мумкинлигини ишонч билан кутишдир. У бизнинг имонимиз ва ҳафсаламиз билан чамбарчас боғлиқ. Биз умидга тўла бўлганимизда, ҳаётимиз қувонч ва тинчликка тўлади.

Душман доимо бизга чорасизлик ҳиссини сингдиришга, бизни ҳамма нарса йўқотилганига ва ҳаётимизда энди ҳеч қандай яхши нарса бўлмаслигига ишонтиришга интилади. Аммо Худо биз Унга ишониб, Ундан дуо-баракаларни кутиб, умид билан яшашимизни истайди. Муқаддас Китобда айтилганки, У раҳм-шафқатга тўла ва бизга тоза варақдан бошлашимизга имкон берувчи “умид Худоси” дир (Римликлар 15:13 га қаранг).

Мен болалигимда отам томонидан жинсий, оғ-

заки ва ҳиссий зўравонликни бошдан кечирганим туфайли, катта бўлганимда ҳаётда ҳеч қачон бирор бир яхши нарсани кутмаганман. Мен билан шунчалик кўп ёмон нарсалар содир бўлганидан, ҳатто ма-сиҳий бўла туриб, мен доимо ёқимсиз кутилмаган ҳодисаларни кутиб яшаганман. Чинини айтаман, Худо мени салбий кайфиятли пессимист одамдан, умидга тўла ва ҳар дақиқада Унинг эзгулиги намоён бўлишини кутувчи инсонга айлантирди. Секин-аста У менга умиднинг кучини ва у менинг фикрларимга, сўзларимга, содир бўлаётган нарсага нисбатан ва ҳаётимдаги ҳар бир соҳага бўлган муносабатимга қандай таъсир кўрсатишини англаб-етишимга ёр-дам берди. Ҳозир мен жиддий қийинчиликларга дуч келганимда ёки муваффақиятсизликка учрага-нимда, Худо ҳар қандай вазиятни менга эзгуликка ўгиришини билган ҳолда, умидни маҳкам тутишда давом этаман.

Эҳтимол, сизда азоб-уқубатлар, умидсизлик ва муваффақиятсизликлар жуда кўп бўлган ва сиз ҳа-ётингиз қай тарзда яхшиланиши ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасдирсиз. Душман сизни ҳеч қа-чон, ҳеч нима ўзгармаслигига ишонтиришга ҳаракат қилмоқда. Бироқ Худо қуйидагиларни билишингиз-ни истайди: У сизни севади ва агар сиз Унга ишон-сангиз, У сизнинг ҳар қандай муаммоларингизни олиб, мўъжиза яратиши мумкин. Сизнинг вазифан-гиз – ҳеч қачон умидни сўндирмаслик ва ҳар дақиқа Унинг эзгулиги намоён бўлишини куттишдир.

Ушбу китоб саҳифаларида Худо менга очган ва сизга имонда мустаҳкамланиб, ҳаётга бутунлай янгича ёндашувни ўзлаштиришга ёрдам берувчи муҳим қоидаларни топасиз. Мен кўпинча умидга тўла, Худонинг Сўзига ишонувчи ва таслим бўлишни рад этадиган одамни, енгиб бўлмайдиган инсон деб айтаман. Агар сиз турмуш бўронлари ичида Худога ишонишни ўргансангиз, У ҳаётингизни ақл бовар қилмас тинчлик ва қувонч билан тўлдиради ҳамда ҳар қандай вазиятни сизга эзгуликка ўгиради.

Ҳаёт давомида нималардан ўтганингиз ва ҳозир сиз билан нима содир бўлаётганидан беҳабарман. Лекин мен аниқ биламан, Худо сизни кучли севади, сиз учун ғамхўрлик қилиб, сизга ёрдам беришни хоҳлайди (Римликлар 8:38-39; Сано 32:18). У ҳар қандай умиднинг Худосидир ва У сизнинг азобларингиз ҳамда қийинчиликларингизни эзгуликка ўзгаришга қодир бўлган Шахсдир.

1-БОБ

Умидга тўлганлар

Мен баъзан, биз ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи авлод эканимизни айтаман. Биз кўрмаган нарсани ишониб қабул қилишга одатланмаганмиз. Бизнинг кўпчилигимиз, агар ҳеч қандай ташқи ҳодисаларни кўрмасак, Худо аллақачон бизнинг муаммоларимизни ҳал қилиш устидан ишлаётганига ишонишимиз жуда қийин.

Бироқ Худо айнан шу аснода ҳаракат қилади. У саҳна ортида ишлайди. Балки сиз ҳали ҳеч қандай ўзгаришларни кўрмаётгандирсиз, лекин Худо ҳозирнинг ўзида сизнинг вазиятингиз билан ишлаётганига ишонасизми? Унда сизнинг фарзандларингиз, никоҳингиз ва кўп йиллар давомида ибодат қилиб келган нарса учун ажойиб режаси борлигига ишонасизми? Йермияҳ китоби 29:11да, *Худо сизга келажак ва умид бериш* учун эзгуликка бўлган мақсадларга эгаллиги айтилган. Бошқача қилиб айтганда, *Худо сизга эзгулик кўрсатиш ва фаровонлик келтириш* учун имконият изламоқда!

Балки сизга ўзингизни ижобийликка, имон ва умидга тўла инсон сифатида тасаввур қилиш қийин бўлиши мумкин. Агар шундай бўлса, мен сизни жуда яхши тушунаман! Айрим инсонлар нимагадир умид қилишдан қўрқишади, чунки кўп марта уларнинг ҳафсаласи пир бўлган ва оғриқни қайта бошдан кечиришга тайёр эмасман деб ўйлашади. Аммо Худо – раҳм-шафқатга тўла ва тоза варақдан бошлашга ёрдам берадиган “умид Худосидир” (Римликлар 15:13 га қаранг). У билан яна ишониш, кутиш, умид қилиш ва таяниш, ҳеч қачон кеч эмас.

Катта умидлар...

Умид сўзининг таърифларидан бири – бу “ижобий нарсани ишонч билан кутишдир”. Назаримда, биз кўпинча суст ёндашувни, яъни “яшасак – кўрамиз” йўлини танлаймиз ва бирор кун нимадир ўзгаришини ёки “ўз-ўзидан” амалга ошишини кутамиз. Бироқ Худо бизда фаол кутиш бўлишини хоҳлайди. Биз Худо ҳаётимизда яхши нарсани амалга оширишини ишонч ва интиқлик билан кутишимиз керак.

Мен сиздан сўрамоқчиман: *Сиз нимани кутмоқдасиз?* Тасаввурингизда қандай суратларни чизасиз? Келажак ҳақида гапирганда, қандай сўзлардан фойдаланасиз? Эрталаб ўйғонганингизда, сиз: *“Навбатдаги кунни ўтказишга ҳаракат қиламан”* – деб ўйлайсизми? Ёки сиз узоқ кутган ёриб ўтиш айнан бугун содир бўлиши мумкин деган қувончли

умид билан ўрнингиздан турасизми?

Аёл ҳомиладор бўлганида, биз у бола “кутяпти” деймиз. Ҳомиладорлик муддати қанчалик яқинлашса, у учун чақалоқнинг дунёга келишини кутиш шунчалик ҳаяжонли бўлади.

Мен тўрттала фарзандимнинг ҳар бирини белги-ланган муддатидан бир ой узоқроқ кўтарганим учун менинг барча ҳомиладорлигим ғайриоддий бўлган. Шифокорим мен унинг хотирасида ҳомиладорлик даври филникидек давом этадиган ягона аёл эканимни пайқаган.

Ҳомиладорлигимнинг сўнги кунларига келиб, мен ҳар тонг ўйғониб, ўзимга: “Бугун айнан ўша кун. Бугун бу, албатта содир бўлади” – дер эдим. Менда барча зарур нарсалар йиғилган эди. Ҳаммаси жойида эканига ишонч ҳосил қилиш учун мен доимо ҳамма нарсани қайтадан яхшилаб текширар эдим. Мен туғиш ҳар лаҳзада бошланиши мумкинлигини кутар эдим. Ҳар сафар қорин соҳасида оғриқни ҳис қилганимда, мен: *“Ва ниҳоят! Бошланди!”* – деб ўйлардим.

Худо биздан айнан шундай кайфиятни кутади. У сизнинг ҳаётингиз учун ажойиб режага эга ва У сизни доимо яхши нарсаларни кутиш билан яшашингизни истайди. Умид шундай дейди: “Менинг ишларим узоқ вақт яхши бўлмади, лекин Худо – имконсиз нарсанинг Худосидир ва ҳамма нарса ўзгариши мумкин”.

Сиз умиднинг асирисизми?

Юқорида айтганимдек, мен қачонлардир ҳамма нарсага нисбатан жуда салбий муносабатда бўлганман. Мен учун, деярли ҳар доим идишнинг ярми бўш бўлган. Ҳар қандай вазиятда мен фақат камчиликни кўрардим. Бу менинг нима учун бу қадар бахтсиз бўлганимни тушунтиради. Шубҳа ва салбий ички кайфият бизни умидсизликка туширади, умид эса қувонч келтиради!

Умид ижобий тафаккур ва муносабатни англатади. Умидга эга бўлган инсон ҳаётни қора рангларда қабул қилмайди. У ҳаётини қийинчиликларни жуда яхши англайди ва шу билан бирга, ўз фикрларида, атрофдаги дунёга нисбатан ва одамлар билан мулоқотда ижобийлик ва умидни йўқотмасдан, улар билан қандай курашишни билади.

Биз кўпинча ижобийлик ва умид ўз-ўзидан келиб қолишини кутамиз. Бироқ умид – бу ижобий кайфиятни сақлаш ва ҳис-туйғуларнинг измида бўлмаслик учун бизнинг онгли қароримиздир. Биз ижобий фикрлаш ва умид билан яшашга қатъий қарор қилганимизда, бизнинг ҳис-туйғуларимиз, охир-оқибат бу қарорга мослашади.

Менга Закарияҳ 9:12 жуда ёқади. Раббий дейди: “Эй, умидвор асирлар, [хавфсизлик ва фаровонлик] қалъаларингизга қайтинглар! Мен бугун элон қиламан: олдинги бойлигингизни икки баравар кўп қилиб қайта тиклайман” (АМРС). “Умиднинг асири”

бўлиш нимани англатади? Ҳаётимизда нима содир бўлишидан қатъий назар, биз умидни йўқотмаймиз ва ҳар қандай вазиятни бошқаришга қодир бўлган Худога ишонишдан тўхтамаймиз. Сиз умидга асир бўлганингизда, душман нима қилишни билмай қолади. У сизга салбий фикрлар билан ҳужум қилиши мумкин, лекин сиз Худога ишонишни давом эттирсангиз, унда сизга зарар етказиш учун ҳоқимият бўлмайди.

Худо сизни дуо қилишни ва ўтмишда бошдан кечирган оғриқ ва барча йўқотган нарсаларингиз учун икки баравар муқофотлашни хоҳлайди (Ишаъё 61:7 га қаранг). Бироқ айрим нарсалар сизга боғлиқ – сиз имонда туришингиз, ишонишингиз ва умид қилишингиз керак.

Лангар ташлаш фурсати келди

Ибронийларга мактуб 6:19 да шундай айтилган: *“У [умид] – бу жонимизнинг [қўлдан сирғалиб чиқиб кетмайдиган ва ҳар қандай босимга дош берувчи] ишончли ва мустаҳкам лангаридир”* (АМРС). Келинг, ушбу оятга диққат билан назар соламиз. Ҳар биримиз лангар ҳақида етарлича тасаввурга эгамиз. Агар биз кеманинг бир нуқтада туришини истасак, лангар ташлаймиз ва бу кемани керакли жойда ушлаб туради. Бу ерда умид жоннинг лангари экани ҳақида айтилмоқда. Жонимиз онг, ирода ва ҳис-туйғуларни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси

биз ўйлайдиган, интиладиган ва ҳис қиладиган нарсалардир.

Бу нимани англатади? Биз ҳеч қандай ёруғликни кўрмаганимизда, ҳаммаси маъносиз бўлиб кўринганида, Худонинг ваъдалари ҳеч қачон амалга ошмайдиган бўлиб туюлганида, умид бизга таянч бўлиб хизмат қиладиган ва: “Бардам бўл! Буларнинг барчаси, албатта амалга ошади!” – дейдиган лангарга айланади.

Яна айтиладики, умид биз учун *“қўлдан сирғалиб чиқиб кетмайдиган ва ҳар қандай босимга дош берувчи”* лангардир. Умид бизга қатъийлик билан олға боришга имкон беради. Баъзи одамлар Худонинг кучини бошдан кечирмайдилар ва Унинг ваъдалари қандай амалга ошишини кўрмайдилар, чунки улар имон қадамини ташлашдан қўрқишади. Ахир айнан имон қадамлари Худо ваъдаларининг амалга ошиш жараёнини ишга туширади.

Мисол келтиришга ижозат берсангиз. Қирқ йилдан ортиқ вақт давомида, дунё бўйлаб саёҳат қилиб, Худонинг Сўзини воизлик қиламан. Бироқ ҳаузгача анжуман олдидан мен мойланганимга, малакамга ёки мендан кутилаётган нарсани қилишга тайёр эканимга шубҳа қилишни бошлайдиган лаҳзалар бўлади. Саҳнага чиқишдан олдин мен фикран айтаман: *“Раббий, Сен Ўзингни намоён қилишингга умид қиламанки, акс ҳолда, мен бунинг уддасидан чиқа олмайман”*. Мен қадам ташлайман ва У мени

даъват этган нарсани бажараман ва Раббий мени ҳар доим қўллаб-қувватлаб, менга Ўзининг Сўзини воизлик қилишимда ёрдам беради. У менга бирор марта ҳам панд бермаган!

Эҳтимол, Худо сиз умид лангарига таяниб, ҳаракат қилишни бошлашингизни кутаётгандир. У сизга боғлиқ бўлган нарсани қилишингизни хоҳлайди ва ўшанда У ҳаётингизда Ўзининг кучини намоён қилиб, мўъжиза ярата олади. Вазиятлар сизни йўлдан уришига ижозат берманг. Лангарни ташланг ва умиднинг мустаҳкам пойдеворига таянинг. Агар сиз Худога умид боғласангиз, *сизнинг ҳафсалангиз пир бўлмайди.*

2-БОБ

Агар боши берк йўлга кириб қолсангиз, нима қилиш керак?

Сиз бирор марта мушкул вазиятга тушиб қолганмисиз? Ўзингизни боши берк кўчага кириб қолиб, ҳеч қандай имкониятларингиз қолмагандек ҳис қилганмисиз? Бу мен билан кўп марта содир бўлган ва ишончим комилки, кўплаб одамлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Лекин мен ушбу йиллар давомида, менга таълим берган Худодан жуда ҳам миннатдорман: ҳатто, энг умидсиз вазиятда ҳам, У учун имконсиз бўлган нарса йўқлигини ёдда тутиш керак.

Келинг, Ибтидо китобидаги Юсуфнинг ҳикоясини кўриб чиқамиз (Ибтидо 37-50-бобларга қаранг). Муқаддас Китобда у отасининг ўн икки ўғли орасида энг севимли ўғил бўлгани айтилган, бу эса, акалари унга ҳасад қилишига сабаб бўлган. Бир куни Юсуф акаларига, тушида улар унга сажда қилганини айтиб берди. Бу ҳеч қандай яхши нарсага олиб келмаганини айтишга ҳожат йўқ. Акалари маслаҳатла-

шиб, Юсуфдан қутулишга келишиб олдилар. Аввалига, у ўлиши учун чуқур ўрага ташладилар. Кейин улар уни ўтиб кетаётган исроиллик савдогарларга қул қилиб сотишга қарор қилдилар, шундан сўнг отасини Юсуфнинг ўлимига ишонтириш режасини туздилар.

Ўзингиз билганингиздек, бу ҳикоя тасаввур қилиб бўлмас, ажойиб тарзда яқун топди. Юсуф Мисрда фиръавндан кейин иккинчи муҳим шахс бўлиб, ўз оиласи билан бирлашди ва уларни кечирди. Юсуф билан содир бўлган ҳамма нарса, ҳеч қандай қийинчиликларга қарамай, ҳар доим умид борлигини тасдиқлайди. Сиз Худо томондан сизга берилган тақдирни амалга оширишга қодирсиз, чунки Худо билан ҳамма нарсанинг имкони бор!

Мен бу ҳикояда, Юсуф ўрада бўлган вақтни, саройга келишгача бўлган вақтдан ажратган даврга тўхталиб ўтишни хоҳлардим. Бу вақт ичида Юсуфнинг ҳаёти бир неча бора кескин ўзгарди. Лекин унда ҳамма нарсани енгишга ёрдам берган бир сифат – узоқ сабр-тоқат бор эди. Худога бўлган имони тўфайли, Юсуф ҳеч қачон таслим бўлмади!

Таслим бўлиш – ечим эмас

Биз ҳаёт давомида бир неча бор худди шундай ўрага тушиб қолишимиз мумкин. Бу касаллик, молиявий қийинчиликлар, муносабатлардаги муаммолар ёки бошқа нарса бўлиши мумкин. Нима

бўлишига қарамай, ҳеч қандай шароитда таслим бўлмаслик учун қатъий қарор қабул қилинг. Ёдингизда бўлсин: Худо бизга қандай ёрдам бергани ҳақида ажойиб гувоҳлик юзага келишидан олдин, синовдан ўтишимиз керак. Исо бизга шундай деган:

“Дунёда қайғулар, синовлар, азоб-уқубатларга ва умидсизликларга дуч келасизлар, аммо руҳингизни туширманг [дадил бўлинг; тушкунликка тушманг, қўрқманг]! Мен дунёни енгдим. [Мен уни сизга зиён етказиш ҳокимиятидан жудо қилдим ва уни сизлар учун бўйсундирдим]” (Юҳанно 16:33; АМРС).

Ҳар бир киши, ёки ундай, ёки бундай қийин кунларни бошдан кечиради. Баъзан сизда таслим бўлиш истаги пайдо бўлади. Лекин сиз ҳар қандай шароитда ҳам, қўлларингизни туширмасангиз ва Худога ишонсангиз, У сизнинг вазиятингизни яхши томонга ўзгартириши мумкин. У ёмон нарсани олиб, уни бизга эзгуликка ўгиришга қодир (Римликлар 8:28 га қаранг).

Уинстон Черчил 1941-йилда, Хэрроу мактабига ташрифи чоғида битирувчилар қаршисида кичик нутқ сўзлади ва шундай деди: *“Ҳеч қачон таслим бўлманг – ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон! На катта, на кичик, на буюк, на аҳамиятсиз нарсада – ҳеч қачон таслим бўлманг”*. У ўша куни бошқа бирор нарса айтдимиз ёки йўқми билмайман, лекин ишончим комилки, бугун Муқаддас Рух кўп-

чилигимизга ушбу сўзларни такрорляпти: “Таслим бўлманг, чунки Худода сиз учун кўп яхши нарсалар тайёрлаб қўйилган!”

Ишлар яхши бўлмаганда, бизда қўлларимизни тушириб, таслим бўлиш васвасаси пайдо бўлади. Баъзи инсонлар ўзларини боши берк кўчага кириб қолиб, олға ҳаракат қила олмаётгандек ҳис қилдилар. Уларга энг осон нарса чекиниш ва таслим бўлишдек туюлади. Улар ўзларини бирор нарса учун етарлича ақлли ва қобилиятли эмас деб ҳисоблаши мумкин. Эҳтимол, улар ўтмишда, қандайдир жароҳатни бошдан кечиргандир, кўпроқ муваффақиятсизликка учраган ёки жиддий хатоларга йўл қўйгандир.

Бироқ Муқаддас Рух, гарчи ҳаммаси биз режалаштиргандек кечмаётган бўлса ҳам, ғалаба сари олға интилишни давом эттириб, охиригача мустаҳкам туриш учун бизга куч ва қобилият беради. Муваффақиятсизлик бизда ҳеч қандай имконият қолмаганини англатмайди. Биз хатоларимиздан сабоқ олишимиз мумкин. Бизнинг шахсий тарихимиз ажойиб устоздир. Агар сизда нимадир ўхшамаса, қайта уриниб кўринг. Шу аснода, сиз нима иш беради, нима иш бермаслигини аниқлаб оласиз ва шунга кўра ҳаракат қиласиз. Сиз тўсиқни доно бўлиш ва руҳий ўсиш имкониятига айлантира оласиз.

Худо бизнинг бахтли ҳаёт кечиришимизни хоҳлайди, лекин биздан ишонч ва узоқ сабр-тоқат

талаб этилади. Муқаддас Рух бизга, бирма-бир имон қадамларини ташлашимизга ёрдам беради ва Худо ҳар биримиз учун тайёрлаб қўйган ўша ажойиб ҳаётга аста-секин олиб боради. Бизнинг вазифамиз ушбу қадамларни ташлаш... *ва ҳеч қачон таслим бўлмасликдир!*

Азоб чекаётган бўлсангиз, нима қилиш керак

Сиз “ўра”да бўлган пайтингизда, сизнинг муносабатингиз катта рол ўйнайди. Ёдингизда бўлсин, синовлар вақти, сизнинг феъл-атворингиз тобланадиган вақтдир. Мен баъзан бу даврни “сукут йиллари” деб атайман, чунки бу вақт ичида ҳаётингизда ҳеч қандай муҳим нарса содир бўлмаслигини ҳис қилишингиз мумкин. Ёки, эҳтимол сизда кўплаб азоб-уқубатлар ва ғалаёнлар бўлиб, Худо бу ҳолатга аралашишни ва сизга ёрдам беришни истамаётгандек туюлади. Бундай пайтларда Унга ишонишни давом эттириш муҳим, чунки У сизни Масихга янада ўхшаш қилиш учун юрагингиз устидан ишлайди.

Шундай қилиб, агар сиз чуқурда тиқилиб қолсангиз, нима қилиш керак?

- *Таслим бўлманг!* Сизнинг вазиятингиздан чиқиш йўли йўқ деган фикрни онгингизга киритманг. Исо – Йўлдир. Унга яқинлашиб, ортидан эргашиш вақти келди.
- *Ҳеч нарсада Худони айбламанг ва У сизни*

қандайдир гуноҳ учун жазолаяпти деб ўйламанг. Аслини олганда, У ҳаётингизда бирор нимани ўзгартириш учун бу вазиятдан фойдаланмоқда. Бу ҳар доим ҳам ёқимли бўл-маса-да, У доимо сизга нисбатан эзгу ниятда эканини ёдда тутинг.

- *Азоб чекаётганингизда, ишларингиз яхши бўлмаганида ёки бошқалар сизга ёмон муносабатда бўлганда ҳам тўғри иш қилинг. Бошқалар учун имкон қадар кўпроқ ва имкон қадар тез-тез яхшилик қилинг.*
- *Бутун дунёдан хафа бўлиб, ўз қобиғингизга ўралиб олманг ва бошқалар билан мулоқот қилишдан қочманг. Эсингизда бўлсин: сиз ночор ёки руҳий кучли бўлишингиз мумкин, лекин бир вақтнинг ўзида иккаласи ҳам бўлиши имконсиздир. Кўпинча бундай даврларда Худо сизни руҳлантириш учун бошқа одамлардан фойдаланиши мумкин.*
- *Ўз сўзингизда туринг ва олган мажбуриятларингизга масъулият билан ёндашинг. Бу давр феъл-атвор шаклланиши учун муҳим ва сиз кейинчалик, “сарой”да ўз ўрнингизни эгаллаш учун, зарур тайёргарликдан ўтаётган бўласиз.*
- *Ишонингда давом этинг... Худо сизнинг вазиятингизни яхши томонга ўзгартира олишига умидингизни йўқотманг!*

Ўзингиздан тупроқни қоқиб ташланг

Эҳтимол, сизга чоҳга тушган эшак ҳақидаги ибратли ҳикоя таниш бўлса керак. Нима бўлганини кўрган эгаси, бироз ўйланиб турдида, чоҳ жуда чуқур, эшак эса, аллақачон қари эканини кўрди ва уни ўша ерда қолдириб, тупроқ билан кўмишга қарор қилди. У қўшниларини ёрдамга чақирди ва улар белкуракларни олиб, ўрага тупроқ ташлай бошладилар.

Ўлгудек қўрқиб кетган эшак аввалига даҳшатли ҳангради. Аммо бир мунча вақт ўтгач, у жим бўлиб қолди. Эгаси буни пайқаб, эшакни ўлди деб ўйлади. Лекин пастга қараса, эшак тирик экан. Унинг елкасига тушган тупроқнинг ҳар бир бўлагини устидан қоқиб ташлар ва тушган тупроқ устига чиқиб, уни оёқлари билан эзар эди. Бир неча соатдан сўнг, унинг юқорига кўтарилиши ва чоҳдан чиқиши учун етарли даражада тупроқ ташланди.

Биз бу эшакдан баъзи нарсаларни ўрганишимиз мумкин. Ҳаёт вақти-вақти билан устимизга тупроқ бўлақларини ирғитади. Бу бизнинг ўзаро муносабатларимиз, маблағимиз ёки соғлиғимиз билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай даврлар бизга Муқаддас Рухнинг бошқарувига эргашишни ўрганишимиз учун берилади. У қандай қилиб ўзимиздан тупроқни қоқиб ташлаб, юқорига кўтарилишни кўрсатади ва сиз ўрадан саройга борадиган йўлда, кейинги қадамни қўйганингизда, У сизга кўзингизнинг қири

билан, сизни олдинда кутаётган ўша эзгуликларни кўришга имкон беради.

Ҳаёт давомида биз доимо енгиб ўтишимиз керак бўлган тўсиқлар, муаммолар ва қийинчиликларга дуч келамиз. Лекин бизга ҳар доим иккинчи имконият ва ҳаммасини тоза саҳифадан бошлашга имкон берилади. Ҳеч қачон жуда кеч эмас. Асосийси – таслим бўлманг! Агар сиз ўз вазифангизни бажарсангиз ва сизга боғлиқ бўлган нарсани қилсангиз – умидни маҳкам ушлаб, дадил олға интилсангиз ва доимо Худога умид қилсангиз – У содиқлик кўрсатади ва сизнинг кучингиз етмайдиган нарсани амалга оширади.

Шундай қилиб, агар сиз боши берк кўчага кириб қолиб, чорасизликка дуч келган бўлсангиз, умидингизни йўқотманг, ахир айнан ҳозир сизда ҳамма нарсани тоза саҳифадан бошлаш учун ажойиб имконият пайдо бўлади.

3-БОБ

Ижобий муносабатни танланг

Болалигимда зўравонликка учраганим учун менда келажак олдида кўрқув пайдо бўлган. Менга ҳар доим, мана ҳозир қандайдир даҳшатли нарса содир бўладигандек туюлар эди. Эҳтимол, сиз нимани назарда тутаётганимни тушунаётгандирсиз. Мен билан шунчалик кўп ёмон нарсалар содир бўлганидан, ҳатто масиҳий бўлсам ҳам, доимо кўнгилсизликларни кутиш билан яшар эдим.

Бир кун ирталаб ибодат қилиб, Худодан сўраганимни эслайман: “Бу нима? Нима учун бу туйғу мени таъқиб қилмоқда?” Мен юрагимда Унинг жавобини эшитдим: “Бу ёмон туйғулар”. Мен бу ибора ҳақида ҳеч ўйламаган эдим, лекин бир неча кун ўтгач, Ҳикматлар китоби 15:15 да шундай дейилганини кўрдим:

“Умидсизликка тушган ва ғамгин одамларнинг барча кунлари зулматдир [ташвишли фикрлар ва ёмон туйғулар билан қоронғилашган], юраги қувноқ одамда эса [шароитларга қарамай] абадий базм” (АМРС).

Ҳар биримизда қийин даврлар бўлади ва бу содир бўлганда, бизни келажак олдида қўрқув, хавотир ёки ёқимсиз туйғулар енгади. Лекин барча қийинчиликлар ўртасида биз Худога ва Унинг Сўзига ёпишиб олишни ўрганишимиз керак. Биз: “Мен биламан, Худо мени севади. У мен ҳақимда ғамхўрлик қилади ва ҳар қандай ҳужумлардан ҳимоя қилади. Мен ишонаман, мендан талаб қилинган ҳамма нарсани бажара олишим учун У менга иноят ва куч беради ҳамда буларнинг барчаси, охир-оқибат қандайдир яхшиликка олиб келади” – дея, имонни эълон қилишимиз мумкин.

Хавотирларни қувиб юборинг!

Худо ишларимиз ўзимиз хоҳлагандек бўлмаётганида, биз бахтсиз бўлишимизни ёки бизда “даҳшатли кунлар” бўлишини истамайди. У қандай шароитда бўлишдан қатъий назар, биз доимо яхши нарсаларни кутишимизни ва умидга тўлиб яшашимизни хоҳлайди. Бунда, мана, сизга ёрдам берадиган учта сўз: *хавотирларни қувиб юборинг.*

Хавотир нима? Бу қандайдир ёмон ёки ёқимсиз нарсани кутишдир. Бу умиднинг мутлақо *аксидир*. Ўйлайманки, кўпгина одамлар ўзлари бунга англамасдан, кун буйи нимадандир ҳадиксираши ёки бирор нарсадан ташвишга тушиши мумкин. Улар ишга бориш, тирбандликда қолиб кетиш, идиш-товоқ ювиш, кир ювиш, майса ўриш, кечки овқатни тайёр-

лаш ва ҳоказолар ҳақидаги ўйларни ёқтиришмайди.

Хавотирлар биздан қувончни ўғирлаши ва кунимизни бузиши мумкин. Улар бизни умиддан маҳрум қилишга қодир. Мен сизга қўлингиздан ҳеч нарса келмайдиган нарса учун азоб чекишни бас қилишингизни маслаҳат бераман. Бахтли бўлишга қарор қилинг ва Худога бу ҳақида ғамхўрлик қилишига рухсат беринг!

Ҳар қандай вазиятда биз қўидаги кайфиятни сақлаб қолишимиз фойдали: “Мен керакли ҳамма нарсани қила оламан ва нима бўлишидан қатъий назар, ҳаётдан завқланишни тўхтатмайман. Мен буни режалаштирмаганман, лекин Худо содир бўлаётган ҳамма нарсани менга эзуликка ўгира олишини биламан”.

Ишонинг, бу ёндашув сизни доимо муаммолардан қутқаришини назарда тутмаяпман. Бироқ сиз ҳамма нарсадан хавотир олишни бас қилсангиз, бу шубҳасиз, сизнинг ҳаётингизни яхшилайти!

Кичик нарсаларда қувонч топинг

Ғолибона ҳаёт нафақат қандайдир жиддий ва муҳим нарсаларга, балки майда нарсаларга ҳам тегишлидир. Раббий бизга ҳаётнинг барча соҳаларида мувафақият ва қувонч ҳамроҳ бўлишини истайти ва бунинг муҳим шарти хавотирни ҳайдаш қобилиятидир. Бизнинг ижобий кайфиятимиз ва умидимиз ишни жиддий равишда ўзгартириши мумкин!

Шубҳасиз, ҳаётда қийин ёки унчалик ёқимли бўлмаган нарсалар бор, лекин улар бизни бахтсиз қилмаслиги ёки кунимизни бузмаслиги керак. Ҳақиқатан ҳам барчаси ўзимизга ва қандай муносабатни афзал кўришимизга боғлиқ.

Баъзан биз ўзимизга ачиниб, ўзимиз ва бошқалар учун ажойиб кунни бузишга қанчалар яхши муваффақ бўлишимиз ҳайратланарли. Менга ишонинг, мен буни биламан – гап уйдаги ишлар ҳақида кетганда, мен ўзимдан яхшигина “жабрдийда” ясаб олар эдим. Мен кўпинча уйда норози бўлиб, ичимда минғирлаб юрардим: “Мен улар учун ҳамма нарсани қилишим, ҳамма учун қулай. Дейв ҳар доим гольф ўйнайди, болалар эса тартибсизлик уюштиради. Мен уларга овқат тайёрлашим, идиш-товоқларни ювишим, уларнинг кийимларини ювишим керак. Қизиқ, мен ҳақимда кимдир қайғурадими ўзи?!”

Ростини айтганда, буларнинг барчасини қилишга мени ҳеч ким мажбурламас эди. Ўзим шунга қарор қилганман, чунки оиламни севаман. Бироқ мен камдан-кам ҳолларда завқланардим, чунки мен салбий кайфиятда бўлганман ва бу менинг шахсий қарорим бўлган.

Таниш эшитиляпти? Эҳтимол, сизнинг вазиятингиз уйдаги юмушлар билан боғлиқ эмасдир, лекин барчамизда ҳам вақти-вақти билан ўзимизга ачиниш ва у ёки бу вазият тўғрисида ташвишлиниш васвасаси пайдо бўлади.

Ишонинг, ҳатто биз билан бирон-бир нохуш ёки биз учун ноқулай нарса юз берганда ҳам, биз дунёга ижобий қарашни сақлаб қолишимиз мумкин. Биз бу орқали Худо билан ҳамфикр эканимизни кўрсатамиз, чунки Худо ҳар доим ижобий кайфиятга эгадир.

Ижобий жиҳатларга эътибор қаратинг

Мен кўпинча одамларни “Мен хурсандман” номили ўйинни ўйнашга ундайман. Унинг моҳияти нимада? Сиз салбий вазиятга дуч келганингизда, ундаги ижобий томонларни қидиришни бошлашни мақсад қилиб олинг.

Мисол учун, сиз тирбандликда қолиб кетдингиз. Сиз: “Мен жуда секин ҳаракатланяпман ва кечикяпман, лекин агар тезроқ ҳайдаганимда рўй бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисадан, Худо эҳтимол, асрагандир” – деб айтинг. Бу жиддий ва у қадар жиддий бўлмаган ҳар қандай вазиятга тегишли. Ҳатто, гап ишни йўқотиш ҳақида кетса ҳам, сиз унда қандайдир ижобий нарсани қидириб, шундай дейишингиз мумкин: “Мен ишсиз қолдим ва ҳозир Худо менга аввалгисидан анча яхши ишни, қандай топишини кузатишдек ажобий имкониятим бор”. Муқаддас Китобда айтилган: *“Раббий сизларга раҳм-шафқат қилиш... сизларга шафқат, севги ва эзгулик намоеън қилиш имкониятини кутмоқда [устайди, ҳаракат қилади]”* (Ишаъё 30:18; АМРС).

Сиз ўз йўлингизда нимага дуч келишингиздан қатъий назар, Худо ҳаётигизни яхшироқ қилиш учун ажойиб режага эга. Бу режа умид ва баракаларга тўладир. Мен сизни У билан ҳамфикр бўлишга даъват этаман. Ҳар бир кунни ижобий кайфият билан ўтказинг ва хавотирларни қувиб юборинг. Ўшандагина, сиз ҳаётигизнинг барча соҳаларида қувонч топишни бошлашингизга ишончим комил.

4-БОБ

Турмуш бўронлари ичра Худога ИШОНИНГ

Узоқ йиллар давомида мен бир нарсани яхши ўзлаштириб олдим. Худодан жавоб ёки ҳаётда қандайдир ўзгариш кутаётганингизда Худога ишониш – бошқа-ю, қийин синовларга дуч келганингизда, Унга ишониш – бошқа нарса экан.

Мен кўпинча Ишаъё китоби 43:2-3 ни ўқиб, тасалли топаман, унда шундай дейилган: *“Сувларни кечиб ўтаётганингда Мен сен билан биргаман, дарёлардан ўтаётганингда – улар сени чўқтирмайди; олов орасидан ўтаётганингда ёнмайсан ва аланга сени кўйдирмайди. Зеро Мен Раббий – сенинг Худойингман...”*

Сиз қийин дамларни бошдан кечираётганингизда, Худо доимо ёнингизда эканини ва У сизга буни бошдан кечиришингизга ёрдам беришига ишонишингиз мумкинлигини ёдда тутишингиз муҳим. Мисол учун, сиз нима содир бўлаётганини тушуна олмаганингизда ёки ҳаёт сизга нисбатан адолатсиз

бўлганида, имонни сақлаб қолиш қийин. Айниқса, сиз талаб қилинган ҳамма нарсани тўғри бажараётганингизни ҳис қилганингизда, лекин шу билан бирга зарур натижани кўрмаганингизда, бу жуда қийин.

Бундай вазият ҳақида нима дейсиз: бир одам ўзини нотўғри тутаётганини кўряпсиз, лекин айти пайтда сиздан фарқли равишда, у муваффақиятга эришмоқда! Ҳаётда, сунъичиғингизни йўқотиб, бошқа таянадиган нарсангиз йўқдек туюладиган лаҳзалар келади ва ягона йўл – Худога ишониб, Унга ёпишиб олиш бўлади.

Бундай даврлар, бизнинг фойдамизга бўлишини шахсий тажрибамда билиб олганман. Ҳамма нарса умидсиз ва беқарор бўлиб кўринганида, Худо биз Унга яқинлашиб, қўзғатиш ва тебратишнинг имкони йўқ нажотимизнинг қояси – Исо Масиҳни мустаҳкам тутишимиз учун, шароитларни ишлатади! (Сано 61:3, 7 га қаранг).

Қийин дамлар ўсиш учун мўлжалланган

Бу ғалати туюлиши мумкин, бироқ мен синовлар ва қийинчиликлар бизнинг яхши дўстларимиз бўлиши мумкин деган хулосага келганман. Нега бундай? Бошқа усуллар ёрдам бермаганида, Раббий улардан, бизга ниманидир ўргатиш, бизни тайёрлаш учун ва бизнинг руҳий ўсишимиз учун фойдаланади.

Ёқуб мактуби 1:1-3 да шундай дейилади: “Биро-

дарлар, сизлар ҳар хил синовларга дуч келганингизда ёки турлича васвасаларга тушиб қолганингизда, буни буюк қувонч деб билинг. Имонингизнинг синалиши барқарорлик, қатъийлик ва сабр-тоқат ҳосил қилишини тушуниб етиб, ишонинг” (АМРС). Синовлар ва азоб-уқубатлар Худодан келмайди, лекин У улардан бизни янада кучлироқ қилиш, юрагимизда тинчликка ва ишончга эга бўлиб, тўлақонли ҳаёт кечиришимизга ёрдам бериш учун фойдаланади.

Ҳаётимиздаги қийин дамлар бизни ривожланишга ва ўзимиз истаган инсонлар бўлишга мажбур қилади. Биз “тушунишга ақлимиз етмайдиган” вазиятга дуч келганимизда, бу бизга Худога ишонимизга ёрдам беради, чунки бундай вазиятларда, биз барча муаммоларимизни ўзимиз ҳал қилишга қодир эмаслигимизни кўраимиз.

Ҳеч қандай ҳаётий бўронлар бизни синдира олмаслиги учун Раббий биз Унда куч олишимизни ва матонатли бўлишимизни хоҳлайди. У ҳатто бизнинг шароитларимиз мукамал бўлмаганида ҳам, биз Унда қувонч ва қониқиш топишимизнинг тарафдори (Неҳемияҳ 8:10 га қаранг).

Олмослар катта босим остида шакллангани каби Худо кўпинча ҳаётимиздаги қийинчиликлардан бизни бўйсундириш, бизда маълум феъл-атвор хусусиятларини ривожлантириш, бизни Ўзига ўхшаш қилиш... ва У биз учун тайёрлаган ажойиб келажакка бизни тайёрлаш учун фойдаланади.

Синовлар бизга ишонишни ўргатади

Худого ишониш ҳақиқий эркинликни келтиради. Агар бирор нима биз истагандек кетмаётган бўлса, хафа бўлиб, ранжимасдан, балки Унда бизникидан анча аълороқ маълум бир режа борлигига ва охир-оқибат, У вазиятни эзгуликка ўгиришига ишониш яхшироқдир (Римликлар 8:28 га қаранг).

Биз буни яхши ўзлаштиришимиз лозим, чунки бизда муаммолар юзага келганида, биз Худодан ҳамда барака олаётган бошқа одамлардан хафа бўлишга мойил бўламиз. Баъзан мағрурланиб: “Мен ахир сендан яхшироқман ва бу барча баракаларга сен эмас, мен лойиқман” – деб ўйлаймиз.

Масалан, сиз ишда лавозимингиз кўтарилишини истайсиз, лекин бунинг ўрнига бу лавозимни бошқа одам эгаллайди. Сиз бу вазиятда ўзингизни қандай тутасиз? Сиз хафа бўлишингиз, мағрурлик қилишингиз ва руҳий маънода ўзингизга зиён етказишингиз мумкин. Ёки сиз Худого ишониб, шундай дейишингиз мумкин: “Раббий, агар Сен мени шу ерда қолишимни истаётган бўлсанг, унда мен ўз раҳбаримга юзимда кулгу билан хизмат қиламан. Агар мени бошқа жойга юбормоқчи бўлсанг, мен биламан, Сен буни энг маъқул вақтда амалга оширасан”.

Худо биздан ақллироқ эканини тушуниш муҳим. Баъзан У бизга кўнглимиз тусаган нарсани дарҳол бермайди, чунки У биз тасаввур қила олган нарсамиздан кўра яхшироқ бўлган бошқа мақсадни

кўради. Масалан, кўп марта мақсадим сари қийин йўлдан боришимга тўғри келган. Айниқса, бошқа одамлар айнан шу соҳада муваффақиятга тезроқ эришаётганини кузатганимда, баъзан бу мен учун жуда қийин бўлган.

Худо мени бу йўлдан олиб бораётганида, У менинг маълум тажрибага эга бўлишимни ва бошқа одамлар нимага дуч келаётганини англаб-етишимни хоҳлайди. Мен уларнинг оғриғини яхшироқ тушуна оламан ва уни енгиб ўтишда, уларга ёрдам бериш, мен учун осонроқ бўлади. Агар ҳаётимдаги қийин дамлар, яъни Раббий менинг ўсишим ва ўзгаришим учун фойдаланмаган шароитлар бўлмаганида эди, мен ҳозир шу қадар кўп одамларга ёрдам бера олмас эдим.

Худо бизда ҳеч қачон муаммолар бўлмаслигини айтмаган, лекин У бизни ҳеч қачон тарк этмасликка ва ёрдамсиз қолдирмасликка ваъда берди (Ибронийлар 13:5 га қаранг). Қийин дамларда У бизни жуда севиши ва аллақачон бизга қандай ёрдам беришни билиши ҳақидаги фикр билан тасалли топишимиз мумкин.

Нима бўлишидан қатъий назар, Худо сизнинг ёнингизда

Мен ҳаётингизнинг ҳар бир соҳасини Худога ишонишингиз учун қатъий қарор қабул қилишга ундамоқчиман. Ҳаётдаги бўронлар бошингизга ёғил-

ганида, нима содир бўлаётганини тушуна олмаганингизда, нимани ўйлашингиздан ёки ҳис қилишингиздан ва ташқи шароитлар қандайлигидан қатъий назар, тўғри танлов қилиш ҳамда Худога ишонишда давом этиш муҳим. Агар сиз Худога ёпишишда давом этсангиз, Худо сизга ишончли сўянчиқни – яъни Ўзини беради.

Балки сиз оғир вазиятга дуч келгандирсиз? Балки сизни сирдириши мумкин бўлиб туюлган қийин синовни бошдан кечираётгандирсиз? Агар шундай бўлса, мен сизни ҳозирнинг ўзида ўқишни тўхтатиб, ибодат қилишга чорлайман:

“Раббий, Сен ҳар доим – яхши ва қийин даврларда мен билан бирга бўлганинг учун Сенга миннатдорчилик билдираман. Илтимос, шароитлар мени саросимага солганида, Сенга яқинлашимга ёрдам бергин. Мен Сенга ишонаман ва Сен буларнинг барчасини менга яхшиликка ўгиришингни биламан. Исо Масиҳ номи билан ибодат қиламан. Омин”.

Ёдингизда бўлсин, сиз ҳозир ўтаётган қийинчилик абадий давом этмайди. Мен қийин кунларни бошдан кечираётганимда, ўзимга: “Бу ҳам ўтиб кетади” – деб эслатишни яхши кўраман. Ҳозирча сиз Худога ишонишингиз ва ҳаётингизда содир бўлаётганларнинг барчасига қарамасдан, Ундан сизни қувонч билан тўлдиришини сўрашингиз мумкин.

Шунингдек, Худонинг Сўзида бўлиш ва Ишаёё

41:10 каби парчалар орқали ўзингизни руҳлантириш фойдалидир. Худо: *“Қўрқма, зеро Мен сен билан биргаман. Хижадат бўлма, зеро Мен – сенинг Худойингман. Мен сени мустаҳкамлаб, сенга ёрдам бераман ва сени Ўз ҳақлигимнинг ўнг қўли билан қўллаб-қувватлайман...”* деган.

Ҳозир сизнинг ҳаётингизда нима бўлаётганидан қатъий назар, мен сизни мустаҳкам туришга ва таслим бўлмасликка чақираман. Ижобий кайфиятни сақлашга ва ҳар доим Худога суюнишга қарор қилинг. Исо ҳар қандай бўрон ичида сиз билан бирга бўлади ва У сизга синовдан ўтиб, янада кучли бўлишингизга ёрдам беради.

5-БОБ

“Мана, ҳамма нарсани янгидан яратаман”

Сизни умидсизлик ёки чорасизлик ҳисси камраб олганда, Раббий сизга ўтмишда қандай ёрдам берганини эслаш жуда фойдалидир. Шунингдек, У сиз каби Унинг ёрдамига жуда муҳтож бўлган бошқа одамларга Ўзининг содиқлигини намоён қилганлиги ҳақидаги фикр сизни руҳлантириши мумкин.

Худо ҳаммасини нолдан бошлашига рухсат берган одамлар ҳақидаги Инжил ҳикояларини эслайсизми?

Мусо ёнаётган бутани кўриб, Худонинг амрини – ўз халқига йўлбошчи бўлишни эшитганида, у анча қариб қолган эди. У бунга қадар қирқ йил саҳронинг бир четида яшириниб юрди ва Худо унга қандай буюк даъватни тайёрлаб қўйганини тасаввур қилмас эди (Чиқиш 1-4 бобларга қаранг).

Камтар чўпон **Довуд** ҳали болалигидаёқ Исроил подшоҳи этиб мойланган эди. У одамларнинг наза-

рида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди. У шоҳ этиб сайланиши мумкин бўлган одамлар рўйхатидаги энг охирги одам эди. Бироқ Худо уни халққа бош қилиб қўйиб, ундан фойдаланди (1-Шоҳликлар 16-бобга қаранг).

Масихдан тонган ҳаворий **Петъор** кечирилди ва қолган бутун ҳаётини Хушxabарни воизлик қилишга ва Худони улуғлашга бағишлади (Луқо 22:54-62; Юҳанно 21; Ҳаворийлар 3-бобга қаранг).

Худонинг фарзандларини шафқатсизларча қувғин қилган **Павлус** Дамашқ йўлидаги руҳий ларзадан кейин тамомила ўзгарди ва натижада, Янги Аҳднинг катта қисмини ёзди! (Ҳаворийлар 9:1-22 га қаранг)

Муқаддас Китобда таърифланган, Худо кечирган, қайта сотиб олган ва Ўзининг режасини амалга ошириш учун фойдаланган барча одамларни эсланингизда, У сиз учун ҳам худди шундай қилишга қодир эканига шубҳаланишингиз мумкинми? Бизнинг Худойимиз – умид Худосидир. У доимо тоза саҳифадан бошлашга рухсат берувчи, имкониятлар ва “иккинчи имкон” Худосидир.

Барча нарсага умид нигоҳи билан қаранг

Умид қалбимиз учун лангар эканини унутманг. Ҳаёт бизга рўшнолик йўқдек туюлганида, биз керакли жавобларни олмаганимизда, умид бизга яқин орада янги имкониятлар бизни кутиб турганини

эслатади. Бизга ҳамма баракалар бошқаларга берилаётгандек туюлганда, биз ҳолдан тойиб, таслим бўлишга тайёр турганимизда, айнан умид юрагимизни тинчлантиради ва Худонинг ваъдаларини маҳкам тутишга ёрдам беради.

Биз тилга олганимиздек, умид – бу қувонч ва ишонч билан кутишдир. Бу ижобий муносабат ҳамда қандайдир яхши нарсани бахтли тарзда кутишдир. Ҳақиқий умид – бу ноаниқ ва ишончсиз шаклдаги “яшасак-кўрамиз” эмас, балки Худога тўлиқ ишониш бўлиб, У Ўзининг ваъдаларини бажаришига нисбатан қатъий имондир. Худо ҳар доим Ўз фарзандларига эзгуликни намоён қилиш имкониятини излайди ва биз буни қувонч ва интиқлик билан кутишимизни хоҳлайди.

Фессалоникаликларга биринчи мактуб 5:8 да умид дубулғага таққосланади. Биз нимани ўйлашимиз жуда муҳим. Бизнинг муносабатимиз ва умидларимиз онгимиз ҳамда айтадиган сўзларимиз билан чамбарчас боғлиқ!

Фикрларингиз ва сўзларингизни диққат билан назорат қилишни қатъий тавсия қиламан. Тонгда ўйфонганингизда, қуйидагига ўхшаган фикрларни онгингизга киритманг: “Нима ҳам дердим, навбатдаги кунни ҳам бир амаллаб ўтказишга ҳаракат қиламан”. Бунинг ўрнига доимо Худонинг баракаларини кутиш билан яшашни бошланг. **“Художон, бу кун учун Сенга раҳмат! Сен мени севишингни ва**

бугун мен учун ажойиб нарсани тайёрлаганингни биламан. Мен Сенсиз ҳеч нарса қила олмайман, лекин Масихда мендан талаб қилинадиган барча нарсани бажаришга қодирман. Мен Сенинг ёрдаминг билан ижобийликка тўла бўламан ва яхши нарсалар ҳақида ўйлайман” – каби гаплар ҳақида ўйланг ва буни эълон қилинг. Ижобий ўзгаришларга ва янги имкониятларга тайёр бўлинг. “Бугун айнан ўша кун!” – деб айтинг.

Агар биз фақат ҳис-туйғуларимиз билан бошқарилишга одатланган бўлсак, бахтли ва умидга тўла ҳаёт имконсиз бўлишини англаб етиш керак. Бизда салбий ҳислар юзага келганда, уларга берилмаслик ва уларни озиқлантирмаслик зарур, шунда улар чекинади.

Юрагингизда умиднинг етилиш вақтини кутманг. Ҳар доим умид билан яшашга онгли равишда қарор қилинг. Агар сиз ижобий, имонга тўла фикрларнинг фойдасига онгли равишда қарор қилсангиз, сизнинг ҳис-туйғуларингиз вақт ўтиши билан бу қарорга мослашади.

Ўз чодирингиздан чиқинг

Бир неча йил аввал мен Раббидан: “Нима учун ҳозирда, ҳаётимда ҳеч қандай муҳим ва ҳаяжонли нарсалар содир бўлмаяпти?” – деб сўрадим. Худо менга шундай жавоб берди: “Жойс, Мен буларнинг барчасини ҳали ҳам қиялпман, шунчаки сен бунга кўникиб қолгансан”.

Худо биз учун қилаётган барча мўъжизаларни пайқашимиз учун У ҳаётимиздаги Унинг яхшиликларининг намоён бўлишидан ҳайратда қолишимизни истайди. Албатта, биз ҳайратланиш қобилиятимизни сақлаб қолсак, умид бизни ҳеч қачон тарк этмайди.

Келинг, Иброҳимнинг тарихига юзланамиз. Худо унга кўплаб баракаларни ато этди. Аммо унга ва хотини Сорага бир нарса етишмас эди – улар фарзанд исташарди. *“Ибром бунга: Ё, Раббий Худо, мен [будунёдан] фарзандсиз ўтадиган бўлсам, Сен менга нима бера оласан...?”* Раббий Ибромни чодирдан чиқариб, унга деди: *“Осмонга қараб, юлдузларни санай олсанг, санаб чиқ. Сенинг авлодинг ҳам шундай бўлади!”* – деди Раббий” (Ибтидо 15:2, 5; АМРС). Вазият Иброҳимга иложсиздек туюлганига қарамай, у Яратганнинг буюклигига ҳайратда қолиб, У имконсиз нарсани амалга оширишга қодир эканини ёдга олиши учун Раббий уни чодирдан олиб чиқди.

Назаримда, биз қийинчиликларга берилиб, “чодир”ларимизда жуда кўп вақтни ўтказишимиз мумкин. Шунинг учун Муқаддас Китоб бизга кундалик муаммоларимиздан чалғиб, имонимизнинг асосчиси ва амалга оширувчиси бўлган Исога кўз тутишни буюради (Ибронийлар 12:2 га қаранг). Ҳар дафъа биз ибодат қилиб, Каломни ўқишни ёки У ўтмишда биз учун яратган барча мўъжизалар ҳақида фикр

юритишни бошлаганимизда, бу бизни умид билан тўлдиради. Шунда, ҳудди Иброҳимдек, кўзларимиз бирдан очилади: “Қойил! У ҳақиқатан ҳам буни мен учун қила олади!”

Қийин дамлар келиб, сиз ҳафсаласи пир бўлишни ҳис қилганингизда, чодирингиздан чиқиб, Худо сизга нима демоқчилигини тинглаш вақти келган бўлади. Ўшанда У сизни ажаблантириш имкониятини кутаётганига ишочингиз комил бўлади.

Йўқотганларингиз учун икки карра тўланадиган бадал

Агар сиз менга ўхшаш бўлсангиз, атрофдагиларга умид бериш сиз учун жуда осон. Ҳар қандай вазиятнинг ижобий томонларини кўриш ва: “Ҳаммаси яхши бўлади. Шунчаки Худога ишонинг ва У ҳаммасини ҳал қилади” деб, инсонни руҳлантириш мен учун қийинчилик туғдирмайди.

Агар гап шахсан ўзимизга тегишли бўлса-чи? Бу бутунлай бошқа масала! Биз азоб чекканимизда ёки ҳафсаламиз пир бўлганида, осонгина васвасага тушиб: “*Ҳаммаси тамом. Ниманидир ўзгартириш учун жуда кеч*” – деймиз.

Ишонинг – ҳеч қачон жудаям кеч бўлмайди! Агар сиз Масиҳ билан яшаётган бўлсангиз, ҳаммасини тоза саҳифадан бошлаш ҳеч қачон кеч эмас. Сизнинг ўтмишингиз тақдирингизни белгилаб бермайди. Агар сиз таслим бўлишдан воз кечиб, Муқаддас

Руҳга сизни бошқаришига рухсат берсангиз, Худо нафақат йўқотганингизни тиклайди, балки сизга аввалгисидан анча аълороқ ҳаётни беради.

Менга Йозл китобидаги 2:25-26-оятлар ёқади. Ушбу сатрларни ўқиётганингизда, уларни юракдан қабул қилишга ва улар сизнинг ҳозирги вазиятингизга тегишли эканига ишонинг.

Мен сизларга юборган буюк лашкарларим, яъни чигирткалар, қуртлар, қўнғизлар ва яшил қурт еб битирган йиллардаги зарарни Мен қоплайман. Энди тўкин-сочинликда тўйиб ейсизлар ва сизларга мўъжизали иш қилган Раббий Худойингизнинг номини шарафлайсизлар. Менинг халқим абадий уятда қолмас!

Ўсмир вақтимда болалигимда бошдан кечирган зўравонлик абадий менга тамға қўйганига амин бўлганман. Мен ҳар доим бошқалардан ажралиб туришимни билар ва ҳаётим оддий бўлмайдигандек туюларди.

Лекин Худо билан ҳамма нарсанинг иложи бор! Биз йўлнинг боши берк эканини кўрган жойимизда, У биз учун нолдан бошлаш имкониятини кўради. У нафақат бизни ўтмиш билан боғлиқ оғриқдан қутқаришни, балки бизда илгари бўлганидан ҳам кўпроқ нарсани беришни кўзлайди!

Келинг, биргаликда Ишаё 61:7 ни кўриб чиқамиз, унда шундай дейилган: *“Ўтмишда шарманда*

қилинганингиз учун икки ҳисса улуш оласиз, бадномлик ўрнига ўз меросингиз учун қувонасиз. Ўз ерингизда икки ҳисса улушни меросга оласиз ва абадий қувончга эга бўласиз” (NIV).

Худонинг А режаси муваффақиятсизликка учраса, Унда ҳар доим Б режаси борлигини ва бу режа биринчисидан анча аълороқ бўлишини кўп айтаман! Бизнинг Худойимиз – қайта тикланиш ва янги имкониятлар Худосидир. Агар сиз Унга имкон берсангиз, У сизга ҳаммасини нолдан бошлаш имкониятини тақдим этади. У йўқотганларингизни икки баробар қилиб қоплайди! Ҳаммаси, ҳатто сиз тасаввур қилганингиздан ҳам аълороқ бўлади.

6-БОБ

Жонингиз азоб чекаётганда, юқорига қаранг

Ҳар биримизда у ёки бошқа сабабларга кўра тушкунликка тушадиган даврлар бўлади. Аммо вазиятлар бизнинг ҳис-туйғуларимизни бошқаришига йўл қўймаслик керак. Биз қувончни йўқотиб, қўлларимизни туширишимиз учун шайтон бизнинг онгимизни салбий фикрлар билан тўлдиришга ҳаракат қилади. У бизни ҳиссий, руҳий даражада, молиявий ва бошқа жиҳатларда ўзимизни бурчакка сиқилгандек ҳис қилишга мажбур қилади.

Исо эса доим бизни руҳлантиради ва бизга куч ато этади. У бизга ҳақлик, тинчлик ва қувонч бериш учун келган. У биз ҳар доим келажакдан яхши нарсаларни кутишимизнинг тарафдори ва бизни умид билан тўлдиради.

Бизларнинг ҳар биримиз амалга ошмаган режаларимиз ва орзуларимиз тўфайли умидсизликка ва ташвишларга дуч келамиз. Биз кутган нарсаларда алданиб қолганимизда, хафа бўлиш ва аламни ҳис

қилиш одатий ҳолдир. Аммо эҳтиёт бўлиш ва бу ҳис-туйғуларга эрк бермаслик зарур, акс ҳолда бу тушкунликка олиб келиши мумкин.

Сано 29:6 да айтилган: *“Тун бўйи йиғи бўлиши мумкин, эрталаб эса қувонч келади”*. Ҳатто сизни нимадир ранжитган бўлса ҳам, қайғу юрагингизга ўрнашиб олишига йўл қўйманг. Акс ҳолда душман очиқ эшикдан фойдаланиб, ҳаётингизга суқулиб киради ва ўзи билан янада жиддийроқ муаммоларни олиб келади.

Биз Худо билан яшаганимизда, умидсизликка дуч келсақда, таслим бўлмасликка қарор қилишимиз мумкин. Биз Унда қайта умидга эга бўлиб, олға юришни давом эттириш учун кучда янгиланишимиз мумкин.

Ўз ҳис-туйғуларингизни кузатинг

Агар сиз қачонлардир тушкунликни бошдан кечирган бўлсангиз, бу ҳолат нақадар жиддий эканини биласиз. У ортидан бегоналашиш, ёлғизлик ва чорасизлик ҳиссини келтириб чиқаради, гўё атрофдаги барча нарса парчаланиб кетаётгандек туюлади.

Мен ҳозир тушкунлик жисмоний сабаблар ва кимёвий мувозанат бўзилиши орқали юзага келиши мумкинлигини тушунаман ва бу омилларни эътибордан четда қолдирмоқчи эмасман. Шундай вазиялар бўладики, Раббий инсонни малакали ши-

фокорга ёки муаммонинг илдизини топишга ёрдам берувчи руҳшуносга мурожаат қилишга ундайди. Тиббий билимлар Худодан келишига ва У шифокорлар ёрдамида буюк мўъжизаларни амалга ошириши мумкинлигига ишончим комил.

Аммо кўпчилик учун тушкунлик руҳий муаммо ҳамдир. Шайтон инсонни руҳий куч ва озодликдан маҳрум қилиш учун тушкунликдан фойдаланади. У бизнинг онгимизни зулмат ва умидсизлик билан тўлдириб, бизни ҳиссий ҳолдан тойдиришга уринади. Худо эса бизнинг ҳаётимизда тушкунлик ҳолатлари бўлмаслигини хоҳлайди. У бизни қувонч, умид ва ижобий кутишлар билан тўлдиради. У билан ҳамкорлик қилиш учун биз бир нарсани – ҳис-туйғуларимизнинг измига бўйсунмасликни ўрганишимиз керак.

Мен кўпинча, ҳис-туйғулар бизнинг ёвуз душманларимиз бўлиши мумкинлигини айтаман. Гарчи улар ишончсиз ва ўзгарувчан эканини тушунишимиз керак бўлсада, биз ҳис-туйғуларимиз бошқарувида бўлишни афзал биламиз. Бизга келадиган ҳар бир фикр ёки ҳис-туйғуга эргашиш хавфлидир, чунки улар кўпинча Худо биз ҳақимизда айтганларига зид келади.

Кўп йиллар давомида мен мунтазам тушкунликка тушар эдим. Мен кўпинча эрталаб ўйғониб, миямда менга: “Мен шунчалар бахтсизман” – деб такрорловчи овозни эшитар эдим. Бу менинг шах-

сий фикрларим эканига амин эдим ва шайтон менга ёлғонни зўрлаб ўтказишга уринаётганини гумон ҳам қилмас эдим. Кейинчалик Худонинг Сўзини жиддий ўргана бошлаб, менда У билан яқин муносабатлар ўрнатилганда, мен ҳар бир ҳис ёки фикрнинг измига бўйсунмиш нотўғри эканини тушундим. Мен овоз чиқариб, эътироф эта бошладим: “Мен умидсизлик измига бўйсунмайман”. Эҳтимол, сизда доим ҳам Худони улуғлаш истаги бўлмас, лекин муваффақиятга эришмоқчи бўлган киши, уни ўз истак ва ҳис-туйғулари бошқаришига йўл қўя олмайди. Ҳис-туйғулар доимо бизга ҳамроҳ бўлади, лекин улар бизни бошқаришига рухсат бермаслигимиз мумкин.

Ўз фикрларингизни кузатишни ўрганинг

Онг – бу умидсизлик ва тушкунликни енгишнинг асосий калитларидан биридир. Сиз доимий ўйлайдиган нарсалар ҳаётингизнинг ҳар бир соҳасига таъсир этишга қодирлиги сизга маълумми?

Ҳикматлар китоби 23:7 да шундай дейилган: *“Унинг кўнглидаги фикрлари қандай бўлса, ўзи ҳам шундайдир”*. Бизнинг тафаккуримиз кучга эга! Биз доимо ўзимиз ҳақимизда салбий фикр юритсак ёки муаммоларимиз ва омадсизликларимизга диққат қилсак, бу умидсизлик ва тушкунликни озиқлантиради.

Мен қанчадир вақт кўкрак саратони билан курашганман ва бу мен учун жуда оғир давр бўлган.

Агар мен онгимга салбий фикрларни киритсам, бу мени жуда тез умидсизликка олиб келишини билар эдим. Ўша вақтда Худо мени диққатимни бирорта ижобий нарсага қаратишга ва имкони борича буни тез-тез овоз чиқариб айтишга ундади. Мен ўйлар ва қуйидагича овоз чиқариб эълон қилар эдим:

“Художон, мен биламан, Сен мени севасан. Сени севганларга, Сенинг мурод-мақсадинг бўйича даъват қилинганларга ҳамма нарса биргаликда эзгуликка хизмат қилишига ишонаман. Мен Сенга ишонаман ва қўрқмайман” (*Римликлар 8:28, 35-39; Йешуа Нун 1:9; Ҳикматлар 3:5*).

Худонинг Сўзини ўқишга ва сўз устида фикрлашга қанча кўп вақт ажратсангиз, шунчалик у сизнинг ичингизга кириб боради ва ичкаридан ўзгартиради. Ибронийлар мактуби 4:12 да айтилган, Худонинг Сўзи жонли ва таъсирчандир. У ўзингизга ва ҳатто, келажагингизга нисбатан сизнинг муносабатингизни ўзгартиришга қодир. Агар сиз онгингизни Худо сиз ҳақингизда айтаётган нарсалар билан тўлдирсангиз ва Унинг ваъдаларини, менга тегишли деб маҳкам тутсангиз, бу сизга умид бериб, имонингизни мустаҳкамлайди.

Тушкунликка қарши Муқаддас Китоб таклиф қиладиган кўрсатмалар

Мен юқорида айтганимдек, тушкунлик тана ва танадаги кимёвий таъсирлар билан боғлиқ бўлиши мумкин ва ишончим комилки, Раббий бундай шароитларни енгишда бизга ёрдамлашиш учун шифокорларни беради. Лекин шифокор ҳузурига бораётганда ҳам, менинг фикримча, бизнинг Шифокоримиз Худога тўлиқ ишониш керак.

Бироқ тушкунлик руҳий сабабларга кўра юзага келиши мумкин ва Муқаддас Китоб уни қандай енгишимиз бўйича бизга кўрсатма беради. Ишаъё китоби 61:3 да, тушкунлик руҳининг ўрнига бизга шўхрат кийими берилади *дейилган*. Эҳтимол, бизда ҳар доим ҳам Худони улуғлаш истаги бўлавермас, бироқ Раббий билан суҳбатлашишга ва Унга Унинг бизга нисбатан эзгулиги учун миннатдорчилик билдиришга, ҳеч бўлмаганда бир неча дақиқа сарфласак, бизда умидсизлик ва тушкунликка қарши курашиш учун қудратли қурол пайдо бўлади.

Биз Худонинг ҳузурини ҳаётимизга чақирамиз ва у бизга куч, тинчлик ва қувонч келтиради. Филиппиликларга мактуб 4:4 да айтилади: *“Раббийда доимо қувонинглар. Сизларга яна айтаман: қувонинглар”*. Азоб-уқубатлар аро Раббийни улуғлаш – бу биз қилишимиз мумкин бўлган энг яхши нарса. Нима учун бундай? Чунки биз диққатимизни Худога қаратганимизда ва У биз учун қилган барча яхши-

ликлардан қувонганимизда, бу билан Худо бизнинг муаммоларимиздан буюкроқ эканини тан оламиз.

Ҳақиқат шундаки, ҳаётимизда нима содир бўлишидан қатъий назар, Худо доим бизга нисбатан эзгудир. У қувончимизнинг Манбаидир, ҳамда биз Унда ҳар қандай вақтда юпанч ва таянч топишимиз мумкин. Буни менга Сано 15:11 эслатади: *“...Қувончининг тўлиқлиги – Сенинг ҳузурингдадир, лаззат тоабад Сенинг ўнг қўлингдодир”*. Биз Худога сажда қилганимизда, Унинг ҳузурини ҳаётимизга таклиф қиламиз. У бизнинг умидсизлик ва қайғумизни, қувонч ва тинчликка алмаштиради, бизга умид бахш этиб, ҳаётимизга жўшқинлик олиб келади.

Ҳар доим ҳам атрофимизда бўлаётган нарсаларни ўзгартиришга кучимиз етмайди, лекин Худонинг ҳузурини, бизни – бизнинг тафаккуримизни, ҳис-туйғуларимизни, ҳаётий вазиятларга муносабатларимизни ўзгартиришга қодир.

Худога оғриғингизни олишга рухсат беринг

Биз ҳеч қачон оғриқ ва умидсизликлардан бутунлай қочиб қутула олмаймиз, лекин бугунги муаммолар эртанги кунни барбод қилишига рухсат бермаслигимиз керак. Бизда танлов бор. Дарҳақиқат, умидсизлик ва тушкунликка олиб келадиган нарсаларга эътибор бермаслик ва Худо биз учун тайёрлаб қўйган яхшиликлар сари олға интилишга қарор қабул қилиш билан биз ҳаётимизни тубдан ўзгартиришга қодирмиз.

Менга Петъорнинг биринчи мактуби 5:8-9 ёқади, бу жойда шайтон бизга ҳужум қила бошлагани заҳоти, унга қарши туришимиз кераклиги ҳақида айтилган. Умидсизлик ва тушкунликка дарҳол қарши зарба бериш ниҳоятда муҳим. Биз бу ҳолатда қанчалик узоқ вақт қолсак, ундан чиқишимиз шунчалик қийинроқ бўлади. Кўп йиллар давомида айтиб келаман, агар шайтонга унинг қилаётган ишлари сизда таассурот қолдиришига имкон бермасангиз, у сизга босим ўтказа олмайди ва сизни тушкунликка туширишга қурби етмайди.

Кейинги сафар сизни умидсизликка олиб келувчи вазият билан тўқнашганингизда, Муқаддас Рухга мурожаат қилинг ва сизни умид билан тўлдиришига Унга имкон беринг. Худо айтаётган нарсаларга ишонишни бошланг ва ҳис-туйғуларга ишонманг. Онгингиз ва оғзингизни Худонинг Сўзидан олинган ижобий, умидга тўла эътирофлар билан тўлдиринг.

Умидсизлик ва тушкунлик ҳаётингизни бошқаришига йўл қўйманг. Ҳаёт сизга нохуш кутилмаган ҳодисаларни ирғитганида, ҳар қандай умиднинг Худосига сизни ички куч билан тўлдириши ва руҳлантириши учун имкон беринг. Сиз билан нима содир бўлишидан қатъий назар, Худо тайёр ва сизнинг оғриғингизни олишни ҳамда уни ажойиб нарсага айлантиришни истайди.

Хотима

Оғир кунларни бошдан ўтказмоқдамисиз?

Агар сиз ҳозир оғир кунларни бошдан кечираётган бўлсангиз, Худо сизни севишини билишингизни истар эдим. У сизнинг қандай ҳолатда эканингизни билади, У ёнингизда ва сизнинг вазиятингизда сизга ёрдам беришни хоҳлайди.

Сано 33:19 да шундай дейилган: *“Раббий – қалби синиқларга яқиндир ва руҳи эзилганларни қутқаради”*. Бизга оғриқли бўлганда, Худо ҳам бу оғриқни биз билан бирга бошдан ўтказади. Эҳтимол, сиз ҳозир чиқиш йўлини кўрмаётган вазиятга дуч келгандирсиз. Аммо шунини эслатмоқчиман, Худо ҳамма нарсани янгидан яратади. У сизнинг муаммонгизни олиб, уни эзгуликка ўзгартириши мумкин.

Агар сиз оғир ҳаётини вазиятга тушиб қолган, агар тақдирнинг зарбалари остида синиб қолишингиз мумкинлигини ҳис қилаётган бўлсангиз, мен сизни, бир неча дақиқа ажратиб, ҳозирнинг ўзида ибодат қилишга чорлайман:

Ота, мен Сенга муҳтожман. Сен мени севишингни айтяпсан ва менинг қай ҳолатда эканимни кўряпсан. Нимани ҳис қилишимдан қатъий назар, мен Сенинг Сўзингга ишонишга қарор қиламан. Мен бошдан кечираётган барча синовларда Сенинг кўмагингни излайман. Ҳозир менга ечимсиз бўлиб кўринаётган муаммоларни енга олишим учун Сенинг кучингга муҳтожман. Ҳар доим Сенга қарашимга ёрдам бергин. Илтимос, менга Ўзингни намоён қил ва олға юришни давом эттиришим учун мени руҳлантиргин. Сенинг севгингни ҳис қилишга менга ёрдам бергин ва Ўз ҳузурингни очиқ қилгин. Мен сенга бутун борлиғимни топшираман. Исо Масиҳ номи билан, Омин.

Шунингдек, мен сизга озроқ вақт ажратишни ва мен қуйида келтирадиган, Муқаддас Ёзувдан иқтибосларни ўқишингни маслаҳат бераман. Ўз тажрибамдан шуни айтишим мумкинки, Худонинг Сўзи сизнинг ҳаётингни – тафаккурингни, ҳисларингни ва шунингдек, келажакка бўлган назарингни ўзгартиришга қодир.

Менга Йермияҳ 29:11 ёқади, унда бизга келажак ва умид бериш учун бизга нисбатан Худода эзгуликка бўлган мақсадлар борлиги айтилган. Худо сиз томонда эканини доимо ёдда тутинг. У имконсиз нарсаларнинг Худоси ва ҳар қандай вазиятни мўъжизага айлантиришга қодир.

Худо сизни севади

“Мен сени абадий севги билан севдим, шунинг учун илтифотим билан сени Ўзимга жалб қилдим”.
(Йермияҳ 31:3)

“Тоғлар ўрнидан қўзғалади ва тепаликлар тебранади, лекин Менинг сенга нисбатан эзгулигим ўрнидан қўзғалмайди ва Менинг тинчлик аҳдим тебранмайди, – дейди сенга раҳм-шафқат қиладиган Раббий”. **(Ишаъё 54:10)**

“Менинг саргардонликларим Сенинг ҳисобингдир. Менинг кўз ёшларимни Ўз идишингга солгин; улар Сенинг китобингда эмасми?” **(Сано 55:9)**

“Мен сени она қорнида шакллантиришимдан олдин таниб-билдим ва [Ўзимнинг танланган идишим сифатида] мустаҳкамладим. Сен туғилишингдан олдин Мен сени муқаддаслаб, ажратдим...” **(Йермияҳ 1:5; АМРС)**

Худо сизга ёрдам беради

“Қўрқма, зеро Мен сен билан биргаман. Хижолат бўлма, зеро Мен – сенинг Худойингман. Мен сени мустаҳкамлаб, сенга ёрдам бераман ва сени Ўз ҳақлигимнинг ўнг қўли билан қўллаб-қувватлайман” **(Ишаъё 41:10)**

“Мен ҳатто ўлим сояси водийсидан ўтсам ҳам зулмдан қўрқмайман, чунки Сен мен билан бирга-

сан. Сенинг темир ҳассанг ва таёғинг мени тинчлантиради” **(Сано 22:4)**

“Мен Раббийни изладим ва У мени эшитиб, мени барча қўрқувларимдан халос қилди”. **(Сано 33:5)**

“Сувларни кечиб ўтаётганингда Мен сен билан биргаман, дарёлардан ўтаётганингда – улар сени чўктирмайди; олов орасидан ўтаётганингда ёнмайсан ва аланга сени кўйдирмайди”. **(Ишаъё 43:2)**

Худо – сизнинг умидингиз

“Фақат Мен сизлар ҳақингиздаги мақсадларимни биламан, – дейди Раббий, – булар сизларга келажак ва умид бериш учун ёвузликка эмас, эзгуликка бўлган мақсадлардир” **(Йермияҳ 29:11)**

“Чунки Худонинг Ўзи: “Мен сени ҳар қандай шароитда ҳам тарк этмайман, сендан воз кечмайман ва ёрдамсиз қолдирмайман”, – деган”. **(Ибронийлар 13:5; АМРС)**

“Чунки Худо учун имконсиз бўлган бирор нарсанинг ўзи йўқдир”. **(Луқо 1:37)**

“Ўз ташвишларингни Раббийга ташлагин ва У сени қўллайди”. **(Сано 54:23)**

“Мен қўрқувда бўлганимда Сенга умид қиламан”. **(Сано 55:4)**

Худо сизнинг юпанчингиз ва кучингиз

“У юраги эзилганларни шифолайди, уларнинг жараларига малҳам суртади”. (Сано 146:3)

“У чарчаганга куч беради ва ҳолдан тойганни мустаҳкамлайди. Раббийга умид қиладиганлар (Уни изловчилар, Унга интилувчилар, Унга ишонувчилар) эса кучда қиёфасини ўзгартирадиган ва янгиланадилар. Улар... югурадилар ва чарчамайдилар, юрадилар ва ҳолдан тоймайдилар”. (Ишаъё 40:29,31; АРМС)

“Эй, оғир меҳнат заҳматини чекаётган ва оғир юк остида букилиб қолган ҳамма одамлар, Менинг олдимга келинглар! Мен сизларга ором бераман”. (Матто 11:28; АМРС)

“Худо бизнинг паноҳимиз ва кучимиз, кулфатларда тез ёрдам берадиган ёрдамчимиздир”. (Сано 45:2)

Тавба ибодати

Худо сизни севади ва У билан яқин, мустаҳкам муносабатларингиз бўлишини хоҳлайди. Агар сиз ҳали Исо Масиҳни ўз Раббингиз ва Нажоткорингиз сифатида қабул қилмаган бўлсангиз, буни ҳозирнинг ўзида амалга оширишингиз мумкин. Ўз юрагингизни У учун очинг ва қуйидагича ибодат қилинг:

“Ота, Сенга қарши гуноҳ қилганимни биламан. Илтимос, мени кечиргин. Мени покла. Мен Сенинг Ўғлинг Исога ишонишни ваъда бераман. У мен учун ўлганига ишонаман. У хочда ўлганида менинг гуноҳларимни Ўзига олди. У ўликлардан тирилганига ишонаман. Ҳозирнинг ўзидаёқ Унга ўз ҳаётимни бераман. Ота, кечирим инъоми ва абадий ҳаёт учун раҳмат. Илтимос, менга сен учун яшашимга ёрдам бергин. Исо номи билан, Омин”.

Агар сиз бутун юрагингиз билан ибодат қилган бўлсангиз, Худо сизни қабул қилди, поклади ва руҳий ўлимнинг кишанларидан озод қилди. Қуйида келтирилган Муқаддас Ёзув оятларини ўқиб, ўрганинг ва Худодан Унинг овозини эшитишингизда ёрдам беришини сўранг, энди сизда У билан янги ҳаёт бошланади.

Юҳанно 3:16	1-Коринфликлар 15:3–4
Эфесликлар 1:4	Эфесликлар 2:8–9
1-Юҳанно 1:9	1-Юҳанно 4:14–15
1-Юҳанно 5:1	1-Юҳанно 5:12–13

Худодан, соғлом Инжил таълимоти воизлик қилинадиган, Масихни яхшироқ таниб-билишингиз ва руҳий ўсишингиз мумкин бўлган яхши жамоатни топишингизда ёрдам беришини сўранг. Худо доимо сиз билан бирга. Худо ҳар куни сизни йўналтиради ва У сиз учун олдиндан белгилаб қўйган фаровон ҳаётда қандай яшашни кўрсатади.

Агар сиз Исо билан ўз саёҳатингизни бошлашга тайёр бўлсангиз, Исо ва У билан янги ҳаёт ҳақида кўпроқ билишни хоҳласангиз, бизнинг веб сайти-миздаги саҳифамизга ташриф буюринг.

tv.joycemeyer.org/Uzbek

Муаллиф ҳақида

Жойс Майер – дунёга машҳур Инжил ўқитувчиси. У ўзининг амалий ёндашуви билан машҳур бўлиб, New York Timesнинг бозоргир китоблари рўйхатига кирган кўплаб китобларнинг муаллифи. Унинг китоблари миллионлаб одамларга Исо Масих орқали умид ва шифо топишларига ёрдам берган. Шунингдек, Жойс *“Жойс Майер хизмати”*нинг асосчиси ҳамдир ва асосий эътиборни Худонинг сўзини кундалик ҳаётда қўллашга қаратиб, турли мавзуларда воизлик қилади. Унинг самимий ва ишончли мулоқот услуби унга ўз ҳаётидан тажриба ва амалий маслаҳатлар алмашиш имконини бериб, бошқаларга бу тамойилларни ўз ҳаётларида қўллашга ёрдам беради. Унинг *“Онг – жанг майдони”* номли китоби ҳар йили бозоргир китоблар рўйхатига кириб, одамларга уларнинг онгида бўлаётган жангда ғалаба қозонишга ва “ўйлаётган нарсалари ҳақида фикр юритишга” ёрдам беради.

Жойс АҚШ ва бутун дунё бўйлаб анжуманлар ўтказди, унинг *“Қувончга тўла ҳаёт”* дастури миллионлаб тингловчиларни қамраб олган бўлиб, ойнаижаҳон, радио ва интернет орқали юзта тилда эфирга узатилади. Шунингдек, Жойс 155 та тилга ўгирилган 130 дан ортиқ китобларнинг муаллифидир.

Жойс Майер хизмати Биз Масих ҳақида айтамыз, одамларни севамыз

“Жойс Майер хизмати” Хушxabар етказиш, барча халқлар орасида шогирдлар орттириш ва Масихнинг севгисини намоён қилиш учун мавжуд. Оммавий ахборот воситалари орқали биз одамларни Инжил ҳақиқатларини ҳаётларининг ҳар қандай соҳасида қўллашни ўргатамыз, шунингдек, Худонинг халқини атрофдаги одамларга хизмат қилишга чорлаймыз.

“Умид қўли” элчилик хизмати орқали биз бутун дунё бўйлаб одамларга ижтимоий ёрдам кўрсатамыз, очларни озиқлантирамыз, кийимсизларни кийинтирамыз, қария, бева ва етимларга хизмат қиламыз. Биз ёши ва касбидан қатъий назар, барча одамларга ёрдам қўлини чўзишга тайёрмыз.

“Жойс Майер хизмати” имон ва ҳалоллик негизида қурилган бўлиб, бизнинг даъватимизга шерик бўлган садоқатли ҳамкорлар томонидан қўллаб-қувватланади.

“Жойс Майер хизмати” joycemeyer.org веб-сайтида, ўрганиш учун қўшимча манбаларни топишингиз, *“Қувончга тўла ҳаёт”* кундалик дастуримизнинг янги чиқишларини томоша қилишингиз мумкин, шунингдек, *“Умид қўли”* ижтимоий элчилик хизматимизнинг янги лойиҳалари ҳақида билиб олишингиз мумкин.

tv.joycemeyer.org/Uzbek



Сиз ёлғиз эмассиз!

Сиз мушкул вақтларни бошдан кечираяпсизми? Борди-ю, ҳаётингизда фожиа юз берган бўлса, соғлиғингиз билан муаммо бўлса ёки молиявий ҳолатингиз учма-уч бўлса, билингки, Худо сиз ёлғиз курашишингизни истамайди. Биз қила олишимиз мумкин бўлган энг яхши нарса, - У биз биланлиги ва доим бизни умид билан тўлдиролганини англаган ҳолда, Унга ишонишдир.

Жойсинг ушбу китобида:

- Қийин даврларда, қай тарзда Худодан юпанч олиш мумкин.
- Қандай қилиб, бошқа томондан назар ташлаганингизда, кунингиз яхши томонга ўзгаради.
- Қай аснода, ўтмишдагиларни унутиб, ҳаммасини янги саҳифадан бошлаш мумкин.
- Ёзувдаги қоидалар, қай тарзда тушкунлик ва умидсизлик билан курашишда ёрдам беради.

Қандай вазиятга дуч келманг, бу китоб сизга, доим яхши нарсаларни кутиб яшашга ва ҳеч қачон Худога ишонишда тўхтамасликка ёрдам беради. Ёдингиздами, У "Умид Худоси" (Римликлар 15:13 га қаранг). У сизнинг муаммоларингизни олиб, мўъжизавий равишда, уларни эзгуликка ўзгартиради.